



## ПЕРИФРАЗЛАРНИНГ АРГО, ЖАРГОН ВА ЭВФЕМИЗМЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

*Абузалова Меҳринисо Кадировна, Аҳмадова Умидаҳон Шавкат қизи*

Бухоро давлат университети, Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, ф.ф.доктори

**Аннотация:** Мақолада перифразаларнинг арго, жаргон ва эвфемизмлар билан муносабати, уларнинг бир-биридан фарқли ҳодисалар эканлиги, шунингдек, ушбу ҳодисалар билан боғлиқ жиҳатлари мисолларда таҳлилга тортилган. Перифраза нутқнинг таъсирчанлигини, бадиийлигини таъминловчи услубий воситалардан бири ҳисобланиши, у нутққа кўтаринкилик, тантанаворлик, ўзига хослик руҳини бағишловчи, ўринсиз такрорларнинг олдини оловчи, жамият аҳли нутқида бадиий гўзал ифодаларни шакллантирувчи восита бўлиб хизмат қила олиши ҳақида фикр юритилган ҳамда ўзбек тилининг кенг қамровли имконияти мавжуд эканлиги билан асосланган.

**Ключевые слова:** перифраза, жаргон, арго, эвфемизм, тил, тилшунослик, ўзбек тили, жамият, ижтимоий.

Тил – энг улуғ ва буюк неъмат. Ундан қай тартиб ва мақсадда фойдаланиш жамият аҳлининг зукко тафаккурига боғлиқ. *У шоҳ учун ҳам, гадо учун ҳам, яхши ёки ёмон учун ҳам бирдек хизмат қилаверади.*

Перифразаларниунга ёндош бўлган арго, жаргон ва эвфемизм каби лингвистик ҳодисалардан фарқлаш лозим.

*Перифраза*, аслида, грекча сўз бўлиб (paraphrasis), у лингвистикада, жумладан, ўзбек тилшунослигида «тасвирий ифода» маъносида қўлланилмоқда. Тасвирий ифодада чиройли ва бадиий қилиб тасвириллаш моҳияти ётади. Перифразалар услубий восита сифатида нутққа кўтаринкилик, образлилик бахш этади, жамият тараққиёти талабларидан келиб чиқиб, луғат таркибини бойитиб боради. Нутқ жараёнида такрорлардан, қайтариқлардан қочиб имконини беради, нотикни сўзамолликка, тингловчини эса фалсафий мушоҳада этишга ундайди. Шунингдек, тасвирий ифодалар фақат жозибадорлик ва образлилик, нутқни бойитиш, унинг мазмунини кучайтириш учунгина эмас, балки жамиятнинг олға қадам қўйишига тўсқинлик қилаётган иллатларни фож килиш, улардан кулиш ва уларга қарши курашга чақириб мақсадида ҳам ишлатилади. Бинобарин, тасвирий ифодалар предмет, воқеа-ҳодисаларнинг ўз номи орқали юзага чиқмаган муҳим хусусиятларини тасвириллаб, бўрттириб, изохлаб ва тўлдириб кўрсатишда муҳим нутқий восита ҳисобланади.

Лексикограф О.С.Ахманова таҳрири остида нашр қилинган лингвистик қомусий луғатда перифразага «бирор сўзни (баъзи предметларнинг сўзлар орқали оддий ифодаланишини) тасвирий ифода билан алмаштиришдан иборат бўлган кўчим» [4, 312] деган изоҳ келтирилган. Ўзбек тилшунослигида кўчим тури сифатида перифразани ўқув қўлланмаларига олиб кирган тилшунос олим Р.Қўнғуров 1983 йилда нашр этилган «Ўзбек тили стилистикаси» қўлланмасида: «...кишиларнинг отларини ёки бошқа предметларнинг номини тўғридан-тўғри гапирмасдан, уларни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар воситасида баён қилиш перифраз дейилади. Бу термин перифраза, парафраз, парафраз



деб ҳам юритилади», деб таърифлайди [5, 148].

А.Ҳожиевнинг «Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати»да перифразаларга қуйидагича изоҳ берилади: «Нарса, ҳодисани ўз номи билан эмас, тасвирий усул билан маълум контекст, ситуациядаги характерли белги-хусусияти орқали ифодалайдиган стилистик приём. Масалан, *дала маликаси* – маккажўхори» [2, 67]тарзидаги қарашлари ифодаланган.

Тил ҳамиша тараққиётда. Бугунги кунда ҳам перифразалар қаториянги-янги бадий ифодалар билан билан кенгаймоқда. Масалан: **Буюк ахлоқ отаси**(периф).– **Алишер Навоий**. *Алишер Навоий фикрича, кишилик орасида нодир сиймо – элга фойда етказувчидир... Эй фарзанд, ота-онага ҳар қанча улуг хизматлар қилсанг ҳам кам деб ҳисоблагин! – деб уқтирган буюк ахлоқ отаси* (В.Раҳмон. Мумтоз сўз сеҳри. – Б. 29).; **Хонадон қўши** (периф). – **аёл**. *Уйнинг файзи ҳам, илиқ тафти ҳам хонадонларнинг қўши аёллар билан* (Сўзлашувдан).; **Инсон умрининг гули**(периф). – **фарзанд**. *Ота-она, инсон умрининг гули бўлган фарзанд ҳақидаги фикрлар шоирнинг шоҳ асарларида ҳам мужассам* («Маърифат», 2014. № 8. – Б. 4).; **Бахт қўргони** (периф). – **оила**. *Бахт қўргони бутлигига барча масъул, оилаларнинг мустаҳкамлиги жамият фаровонлигини таъминловчи муҳим омиллардандир* («Маҳалла», 2017. № 4. – Б. 4). Таҳлилга тортилган мисоллардан англашиладики, перифразаларда бадий бўёқдорлик хусусияти юқори.

Ўзбек тили лексикасининг чегараланган қатлами саналган арго ва жаргонлар ўзининг маълум бир жиҳатлари билан перифразаларга ўхшашдек кўринади. Бирок, улар чегараланган лексика қаторида ўрганилиши биланок перифразалардан фарқ қилади. Чегараланган лексик қатламлар мавзувий жиҳатдан қуйидагича гуруҳланади. Жумладан:



Ижтимоий чегараланган лексика доирасида тилшуносликнинг қуйидаги мавзулари ўрганилади.



Ижтимоий чегараланган лексика доирасида ўрганилувчи арго бирликлар маълум бир гуруҳ вакиллари томонидан қўлланилади ҳамда бошқа ижтимоий қатламлар учун сир тутилади. Масалан, пул отарчи учун *якан*, порахўр учун *қуруғи*, ўғри учун *лой*. Арго (французча аргот) - ижтимоий ёпиқ шахслар гуруҳининг тили бўлиб, ишлатиладиган луғатнинг ўзига хослиги, қўлланилишининг ўзига хослиги билан ажралиб туради, лекин ўзининг фонетик ва грамматик тизимига эга эмас. Арго сўзлар жаргонлардан фарқ қилади, жаргон одатда профессионал хусусиятга эга, арго бирликлар эса эса касбдан қатъий назар ишлатилиши мумкин. Мисол учун, замонавий француз тилида кўплаб арго сўзлари кам таъминланган маҳалла ёшлари, шунингдек, олий маълумотли менежерлар томонидан ҳам қўлланилади. Арго кўпинча яширин тил тушунчасига тўғри келади.

Шунингдек, Х.А. Абдуқаҳҳорова “Ижтимоий чегараланган лексиканинг нутқимиздаги ўрни” номли мақоласида арголарга қуйидагича таъриф беради: “Ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмай, текинхўрлик билан шуғулланувчи, бошқалар ҳисобига яшовчи кишиларнинг, шу билан бирга қизиқишлари, манфаатлари бир хил бўлган тор кичик ижтимоий гуруҳларнинг сўзлари арго ҳисобланади” [1, 887-888]. Ўз-ўзидан англашиладики, арголар фақатгина маълум бир гуруҳ доирасидагина қўлланилиб, остида яширин мақсад ётиши билан тилшуносликда ўзига ёндош ҳодиса сифатида қаралаётган перифрастик бирликлардан фарқ қилади.

Жамиятдаги табақаланишлар юзасидан вужудга келувчи терминлар жаргонлардир. Масалан: *ялангоёқ, оқсуяк, хўжа, қорача*.

Қомус инфода жаргонлар қуйидагича изоҳланади. “**ЖАРГОН** (франц. Jargon – сафсата) – бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос лексикаси, фонетикаси ва грамматикаси билан умумсўзлашув тили ва маҳаллий диалектлардан фарқ қиладиган тили. Жаргон муайян ижтимоий муҳитда юзага келади ва шулар манфаатига хизмат қилади (масалан, талабалар, ҳарбий хизматчилар, турли касб, машғулот эгалари орасидаги жаргон). Бундай жаргонларни кучли ривожланган ва аниқ терминларга эга бирор **касб** тили билан аралаштирмастик лозим. Жаргон ҳам лексик, ҳам услубий жиҳатдан турли-туман, тезда ўзгарувчан, барқарор бўлмайди. Масалан, ёшлар орасида «кетдим» ўрнида «сирпандим», «пул» ўрнида «соққа», «доллар» ўрнида «кўки»; санъаткорлар орасида «хизмат учун ҳақ олмаслик» ўрнида «том сувок», «пул» ўрнида «якан» ва ҳ.к. жаргонлар учрайди” [7].



Шунингдек, “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида “Жаргон ҳам қўлланиши чегараланган лексика таркибига киради (франц. жаргон). Касби, жамиятдаги ўрни, кизиқиши, ёшига кўра алоҳида социал гуруҳни ташкил этган кишиларнинг, асосан, оғзаки нутқида ишлатиладиган ва маъноси бошқалар кўп ҳолларда англаб етавермайдиган бирликлар жаргон дейилади” [6, 122] тарзида муносабат ифодаланар экан, англашиладики, жаргонлар нафақат тил ва нутқ бойлиги бўлиши билан биргаликда, кишилар орасида маълум бир мақсадни амалга оширишда сир сақлаш, яшириш, сўз ўйини қилишда муҳим рол ўйнайди. Жаргонизм - жарангли сўзлар ёки иборалар бўлиб, социолект ҳисобланади ҳамда умумий оғзаки тилдан ўзига хос қўлланиш, сўз ясаиш воситаларининг махсус қўлланилиши билан фарқ қилади, лекин фонетик ва грамматик тизимга эга эмас. Жаргоннинг луғат таркиби адабий тил асосида қайта номлаш, метафоралаш, шунингдек, хорижий сўз ва морфемаларни фаол ўзлаштириш йўли билан яратилади. Масалан: “қулба” - квартира, уй, “пул” –соққа. Замонавий тилда, айниқса, ёшлар тилида жаргон кенг тарқалди.

Бир сўз билан айтганда, жаргонлар маълум бир ижтимоий гуруҳ манфаати учун хизмат қилувчи лексик бирлик ҳисобланади. Перифрастик бирликлар сингари оммавий нутқни бойитиш учун хизмат қилмайди.

А.Ҳожиёвнинг 2002 йилда қайта нашр қилинган “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да эвфемизмларнинг қуйидагича изоҳи келтирилади. Жумладан: *Эвфемизм* (юнонча “euphemismos”, eu – уахshи + rheimi – гаригаман) нарса-ходисанинг анча юмшоқ шаклдаги ифодаси; кўпол, беадаб сўз, ибора ва табу ўрнида кўпол ботмайдиган сўз (ибора)ни қўллаш. Масалан, *иккиқат*, *бўғоз* сўзлари ўрнида *ҳомилдор*, *огир оёқлис* сўзларини қўллаш [3].

Эвфемизмларда салбий воқеликни аташдан йироқлашиш, жамият аъзоларининг иззат-нафсига тегадиган, уларга оғир ботадиган, эриш туйиладиган, ҳурматсизликни ифодаладиган, ахлоқий меъёрларга қарши келадиган ҳолатларнинг ёки тўғридан-тўғри айтиш мумкин бўлмаган ҳодисанинг салбий таъсирини камайтириш, уларни яшириш, беркитиш, нохуш хабарни беозорроқ, юмшоқроқ, мулозимроқ шаклда етказиш, ифодалаш учун ишлатилади. Масалан: *туғди* сўзи ўрнида *кўзи ёриди*, *енгиллашди*; *кўрўрнида кўзи ожиз*, *ногирон*; *кар* ўрнида *қулоғи гуллаган* бирликлари қўлланади.

Тилдаги воситалар бири иккинчисини инкор қилиши мумкин. Бироқ, ҳамиша бир-бири билан ўзаро алоқада бўла олиш хусусиятига ҳам эга. Перифразалар эвфемиклашган ёки эвфемик йўл билан кўчириш асосида ҳам вужудга кела олиш хусусиятини намоён қилиш орқали перифраза ва эвфемизм ўртасида алоқадорлик мавжуд эканлигини таъкидлаш жоиз. Перифрастик ифодалар ижодкорнинг бадиий маҳорати маҳсули ҳисобланиб, китобхонга тақдим этилаётган асарнинг бадиий-эстетик қимматини оширувчи бирлик сифатида хизмат қилади. Жумладан:

***Индамаслар оламини сайр айладим,***

*Сайр этиб, мен бериё хайр айладим* (Чустий).


*Индамаслар олами* перифразаси эвфемиклашган ёки эвфемик йўл билан кўчириш асосида ҳосил қилинган бўлиб, *қабристон* сўзига нисбатан майин, оҳиста, киши учун эшитилиши қулайдир. Маълумки, ўзбек тили луғат таркибида *маърифат душманлари* – илмсиз кишилар, *мансаб бандаси* – мансабпараст, *кўзи ёриди* – туғди, *жамиятнинг яраси* – ўғри



ва қаллоблар каби перифразалар ҳам эвфемик йўл билан кўчириш асосида ҳосил қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, перифраза ва эвфемизм ўртасида алоқадорлик мавжуд дегани улар айни битта, бир хил ёки ёнма-ён атамалар дегани эмас. Перифраза (тасвирий ифода) жамият кишилари нутқида яратилиб (оммалашиб) тил сатҳига кирган бирлик ҳам саналади.

Куйида перифраза ва унга ёндош ҳодисалар ҳисобланган арго, жаргон ва эвфемистик бирликларга оид мисолларни қиёслаймиз.



Юқорида келтирилган барча бирликлар тил мулки ҳисобланиб, тил таракқиёти учун хизмат қилади. Тасвирий ифода (перифраза)лар ўзига ёндош ҳодисалар билан қиёсланиб, тил ва нутқдаги ўрни, фаркли ва ўхшаш жиҳатлари кўрсатилди. Таҳлиллар давомида биз перифразалар ва унга ёндош ҳодисаларнинг тилшуносликдаги алоҳида-алоҳида бирликлар эканлигига, луғатларда улар фарқланишига гувоҳ бўлдик.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, баъзиперифразаваайримэвфемикифодаларбир-бирига ўхшайди. Аммо тасвирий ифодаларда шахс, нарса-буюм, жой ва бошқа номларни ойдинлаштириш, бадийлаштириш, нутқий ғализликнинг олдини олиш мақсади қўйилади. Оддий (баъзаннейтрал) сўзобразли, таъсирчанқилибифодаланади. Эвфемизмларда эса ишлатилиши кўпол, ноқулай, беодоб сўз ва бирикмалар нутқийжараёнучун қулай, одоб доирасидаги, чиройли сўз ёқисўз бирикмаларига алмаштирилади. Шунингдек, перифрастик бирликларарго ва жаргон каби лингвистик бирликлардан ҳам фарқланади. Жаргон ва арголар – жуда тор доирадаги ижтимоий гуруҳ ва тўдалар нутқидагина қўлланилиб, бошқалардан ажралиб ўз мақсадлари йўлида тузилган, фойдаланиладиган сўзлар ва иборалардир. Арго ва жаргонлар тор доирада қўлланувчи, салбий бўёқдорликка эга бўлган бирликлар ҳисобланиб, уларда яшириш мақсади ётади. Перифразалар эса жамият аҳлининг барча вакиллари учун хос ва тушунарли, ижобий бўёқдорликка эга бўлган бирликлар ҳисобланиб, унда қайта номлаш, омма учун тушунарли бўлган тасвирий ифодалардан фойдаланиш, омма нутқини



бойитиш, диққатни тортиш мақсади ётади.

Бир сўз билан айтганда, тасвирий ифода (перифраза)лар битта тушунчани ифодалайдиган, бир сўзни иккинчи янги бир мос бирликка алмаштирадиган, матндаги сўзни лексик маъно кирраси асосида образли тасвирлаш орқали унинг таъсир доирасини ошириш ва шу асосда нутқни услубан диққат тортар, жозибадор бутунлик даражасига кўтариш хусусиятига эга бўлган нутқий ходисадир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдуқаҳҳорова Х.А. Ижтимоий чегараланган лексиканинг нутқимиздаги ўрни // SCIENTIFIC PROGRESS. Volume 2. ISSUE 4. 2021. ISSN: 2181-1601. – Б. 86-88.
2. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 67-б.
3. Ножийёв А. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2002.
4. Лингвистический энциклопедический словарь /под ред. О.С.Ахмановой. –2-е изд., стер. – Москва: УРСС, 2004. – С. 312.
5. Кўнгулов Р. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 148.
6. Sayfullayeva R.R., Mengliyev B.R., Boqiyeva G.H., Qurbonova M.M., Yunusova Z.Q., Abuzalova M.Q. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2010. – B. 404.
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-j/jargon-uz/-комусинфо> > Ж харфи >.